



ДАВЛАТ ВА БИЗНЕС ЎРТАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Атаниязова Максуда Балтабаевна

А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент шаҳар филиали, гуманитар фанлари факультети декан муовини, и.ф.ф.д. (PhD) в/б доцент Ўзбекистон. ataniyazova1981@mail.ru
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a28

Аннотация

Ушбу мақолада давлат-хусусий шериклик моделлари ва механизмлари таҳлил қилиниб, бугунги кунда республикамизда давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш муаммолари ва келажақда ДХШ бозорини ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинади. Муаллиф тадқиқот натижаларига кўра тадбиркорлик вакиллари бундай лойиҳаларга жалб қилиш мақсадида кўмаклашиш ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида давлат томонидан ДХШ лойиҳалари устидан доимий назоратни амалга ошириш зарур, деган хулосага келинди.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклиги, давлат, бизнес сектор, лойиҳа, давлат рисклари, чекловлар, бюджет самарадорлиги.

МОДЕЛИ И МЕХАНИЗМЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В НАЛАЖИВАНИИ ЭФФЕКТИВНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ГОСУДАРСТВА И БИЗНЕСА

Атаниязова Максуда

Заместитель декана гуманитарного факультета Ташкентского городского филиала Российского государственного педагогического университета имени А.И.Герцена, кандидат философских наук (PhD) доцент Узбекистан.

Аннотация

В данной статье анализируются модели и механизмы государственно-частного партнерства, проблемы реализации проектов на основе государственно-частного партнерства в нашей республике в настоящем и перспективы развития рынка ГЧП в будущем. По результатам авторского исследования сделан вывод о необходимости осуществления со стороны государства постоянного контроля за проектами ГЧП с целью эффективного использования бюджетных средств при реализации проектов, а также оказывать содействие представителям бизнеса в целях привлечения их к таким проектам.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, государство, бизнес-сектор, проект, государственные риски, ограничения, бюджетная эффективность.

MODELS AND MECHANISMS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN ESTABLISHING EFFECTIVE COOPERATION OF THE STATE AND BUSINESS

Ataniyazova Maksuda

Deputy dean of the Faculty of Humanities, Tashkent city branch of the Russian State Pedagogical University named after A.I. Hertsen, PhD Associate Professor Uzbekistan.

Abstract

The article analyzes the models and mechanisms of public-private partnerships, the problems of implementing projects based on public-private partnerships in our republic in the present and the prospects for the development of the PPP market in the future. Based on the results of the research, concluded that it is necessary for the state to exercise constant control over PPP projects to effective use of budgetary funds in the implementation of projects, as well as to assist business representatives in order to attract them to such projects.

Keywords: public-private partnership, state, business sector, project, state risks, restrictions, budget efficiency.

Кириш

Иқтисодий ва инновацион ривожлантиришнинг инновацион механизмлари тизимида муҳим восита давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар инновацион ривожланишни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар, шунинг учун барча тадбиркорлик субъектлари, давлат корхоналар ва янги ташкил этилган кичик ва ўрта бизнес инновацион фаолият билан шуғулланишга ҳамда инновацияларни жорий этиши куннинг талаби ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, илмий-техникавий инновациялар соҳасида ДХШсиз замонавий миллий инновацион тизимнинг барқарор ривожланиши ва фаолият юритиши мураккабдир. Илмий-техникавий ва инновацион соҳалардаги давлат сиёсатининг йўналишларини белгиловчи кўплаб ҳужжатларда ДХШни ривожлантириш зарурати белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва инновацион соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида инвестицияларни жалб қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат-хусусий шериклик, шу жумладан концессиялар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонун мамлакатимизда давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг турли хил йўналишларида муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишни назарда тутди¹.

Республикамизда давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур”² эканлиги белгилаб қўйилган.

Бу эса давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш учун ҳам амалий жиҳатдан, ҳам жиҳатдан ёндашиш ва барча шарт-шароитларни яратишни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>

² “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси” 2022 йил 20 декабрь // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодчи олимлар томонидан давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш имкониятлари, давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, давлат-хусусий шериклигининг шартнома шакллари илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [10, 89-108 б.] асарида хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) томонидан ДХШга қўйидаги таъриф берилган: “давлат ва иштирокчилар ўртасида қайд этилган/чексиз муддатга ҳар қандай расмий муносабат ёки келишув бўлиб, бунда ҳар икки томон қарорлар қабул қилишда ўзаро ҳамкорлик қилади ва фан, технология ва инновацияларнинг маълум бир соҳасида аниқ мақсадларга эришиш бўйича пул, персонал, жиҳозлар ва ахборотлар каби чекланган ресурсларни яратиш ва ҳамкорликда инвестициялашдир”³.

Россиялик олим В.Г.Варнавский томонидан “давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазибалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулк объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган”⁴.

О.А.Романованинг фикрича, «давлат хусусий шериклик – бу муҳим лойиҳаларни реализация қилиш мақсадларида давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли иттифоқдир. Бунда давлат хусусий бизнес билан иттифоқ тузиб, нафақат бюджет якунини камайтиради, балки самарали лойиҳаларни бошқариш тизимини ҳам ўзига олади, бизнес эса муайян кафолатлар ва имтиёзлар тўпламига эга бўлади»⁵.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат-хусусий шерикликка қўйидагича таъриф берилган: «давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги” дирб.

Г.Х.Утемуратова “давлат хусусий шериклиги” категориясини қўйидагича талқин этган: “Давлат-хусусий шериклиги – бу давлат ва ижтимоий мулк объектлари ҳамда

³OECD. Recommendation of the Council on Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships - <https://www.oecd.org/governance/budgeting/PPP-Recommendation.pdf>

⁴ Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски/ В.Г. Варнавский. – М.: Наука, 2005. - 315 с.

⁵ Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А. Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.

⁶Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Қонуни. – Т.: 2019.

турли хил ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тарафидан шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, улар ўртасида рискларни тақсимлашга асосланган давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликдир” 7.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги ривожланишига методологик ёндашувнинг илмий асослари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жорий этиш, давлат-хусусий шерикликнинг асосий йўналишлари, ушбу механизмни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳани реализация қилишдан олинган интеграл иқтисодий самара, давлат-хусусий шериклигини амалга оширишда бюджет самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари, хусусан, республикамизда давлат-хусусий шериклиги кенгайиб бормоқда.

Жаҳоннинг юздан ортиқ давлатларида ДХШ механизмлари қўлланилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий сектор ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос шакли вужудга келган. ДХШнинг турли хил шакллари жадал ривожланиши, уларнинг иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида кенг кўламда қўлланилиши ўзаро ҳамкорликнинг ушбу шаклини бозор иқтисодиётининг муҳим хусусияти сифатида тан олиш имконини беради.

ДХШ транспорт, коммунал ва ижтимоий инфратузилма, қурилиш лойиҳаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва тармоқларида намоён бўлмоқда.

ДХШ жуда мослашувчан инновацион механизм бўлиб, турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Буларга, биринчи навбатда, қуйидагилар киради: концессия шартномалари, маҳсулот тақсимоли бўйича шартномалар, яратилган объектларга бўлган ҳуқуқларни белгиловчи инвестиция шартномалари, инвестиция мажбуриятлари билан лизинг шартномалари, хизмат кўрсатиш шартномалари ва бошқалар.

Давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўлами ва шакллари кенгайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

– ДХШ аралаш иқтисодиёт механизмларидан бири бўлиб, бизнес ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имконини беради;

– ДХШ хусусий сектор ресурсларини давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли тармоқлар ва ҳудудларда такрор ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилиш, шунингдек, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун хусусий тадбиркорлик ташаббусидан фойдаланиш имкониятини беради;

⁷ Утемурадова Г. Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари, моделлари ва механизмлари // Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 10 (146). – С. 2-12.

– ДХШ лойиҳалари доирасида бизнес ва давлатнинг имкониятлари ва ресурсларини бирлаштириш уларнинг қўшимча рақобатдош устунликларини шакллантиради.

Бизнес, давлат институтларига қараганда, кўпроқ мослашувчанлик, бошқарув қарорларини қабул қилишда самарадорлик ва инновацияларни яратиш қобилиятига эга. Давлат, ўз навбатида, инновацион ривожланишни рағбатлантирувчи янада барқарор меъёрий-ҳуқуқий асосларни, давлат кафолатларини, солиққа тортиш ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш орқали ДХШ лойиҳаларини янада муваффақиятли амалга оширишни таъминлаши мумкин⁸.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда, ДХШ шаклларининг кўлами ўсиши ва ривожланишини тахмин қилишимиз мумкин. Бизнес вакиллари лойиҳаларни амалга оширишдан максимал фойда олишдан манфаатдор, чунки давлат томонидан тақдим этилган лойиҳаларда иқтисодий эркинликка эга бўлган корпоратив сектор меҳнат унумдорлигини оширишга ва инновацияларни жорий этишга интилади. Давлатнинг манфаати шундаки, ижара ва концессия тўловларидан тушадиган даромадлардан, шунингдек мулкни сақлаш ва инвестиция қилиш харажатларининг бир қисмини хусусий секторга қайта тақсимлашдан қўшимча даромад манбаи олади.

ДХШнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат⁹:

–барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектларининг самарали ўзаро ҳамкорлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

- давлат мулкidan самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- иқтисодиёти инновацион ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари ва шаклларини, инфратузилма объектларини, маҳсулотларни сотиш ва аҳолига хизматлар кўрсатиш жараёнларини техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштиришга эътибор қаратиш;
- моддий ва молиявий ресурсларни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва бошқ.

Давлат-хусусий шериклик томонларнинг ҳамкорлик муносабатлари тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатли бўлиши кераклигига қарамай, уни бошқа барча муносабатлар шаклларидан ажратиб турадиган давлатнинг иштироки мавжудлигидир. Хусусий корхоналар одатий тадбиркорлик амалиёти ҳисобланган бир-бири билан турли хил шакл ва механизмларда ҳамкорликни фаол тарзда амалга оширадilar. Давлатлар ҳам бир-бири билан ўзаро муносабатга киришиб халқаро ташкилотлар, иттифоқлар, уюшмалар тузадilar. Бундай алоқалар жаҳон амалиётида кенг миқёсда оммалашган. Давлат-хусусий шериклик эса ҳар доим бошқа йўл билан эришиб бўлмайдиган муайян синергетик самарани юзага келтирадиган доимо муносабатларнинг янги сифатини белгилайди.

Шундай экан, ДХШ ташаббускорлик, ташкилотчилик ва кафолатловчи ҳисобланган етакчилик роли давлатга тегишли муносабатларнинг янги сифатини

⁸ Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика. М.: ГУ-ВШЭ, 2010. 228 с.

⁹ Оськина Н.В. Модернизация экономики и государственно-частное партнерство // Социальное партнерство как фактор развития инфраструктурных отраслей экономики России: Мат-лы междунар. науч. конф., Новосибирск, 15–16 ноября 2013. Новосибирск: Изд-во НГАСУ, 2013. С. 90–98.

таъминлашга йўналтирилади. ДХШни таъминлашда тадбиркорнинг роли молиялаштириш, самарали менежмент, ихтисосликка (қурилиш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ҳудудларни ўзлаштириш, кредитлаш, суғурталаш ва бошқалар) мос профессионал фаолиятни олиб боришдан иборат. ДХШнинг асосий мақсади – юқори ижтимоий аҳамиятга эга давлат вазифаларини бажаришга кўмаклашишдан иборат. Бундай вазифаларга ўй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасини яратиш, транспорт тармоқлари, ўй-жой қурилиши, соҳани ривожлантириш, кенг қўламли инновацион лойиҳаларни тадқиқ этиш, аҳолини ҳалокатли рисклардан ҳимоялаш бўйича суғурталашни ташкил этиш кабилар тегишли.

Таъкидлаш керакки, ДХШни амалга ошириш таркиби ва моделлари хилма-хилдир, бироқ улар томонларнинг муайян келишувларига асосланган бир қатор хусусиятлар билан бирлаштирилган.

Маълумки, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларининг бошқа шаклларида ажратиб турадиган турли хил алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар Россия Федерацияси Фанлар академиясининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва қўйидагилардан иборат¹⁰:

- узоқ муддатли шартномалар (10 йилдан 20 йилгача, концессияда – 50 йилгача);
- қўшма молиялаштириш орқали лойиҳаларни молиялаштиришнинг ўзига хос шакллари;
- кескин рақобат шароитида ҳамкорликни давом эттириш;
- шериклар ўртасида масъулиятни тақсимлашнинг ўзига хос шакллари: давлат лойиҳаларни амалга оширишни назорат қилади, хусусий шерик эса лойиҳани молиялаштиришни ўз зиммасига олади;
- шартнома бўйича томонлар ўртасида рискларни тақсимлаш.


Шунингдек, ИХТТ ДХШни тавсифловчи олти та белгини ажратиб кўрсатади¹¹:

1. Шериклик иштирокчилари ҳам давлат, ҳам хусусий сектор вакиллари бўлиши керак.
 2. ДХШ иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги қонуний асосга эга бўлиши керак.
 3. ДХШ иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ўзаро тенг муносабатлар асосида ташкил этилиши керак.
 4. ДХШ иштирокчилари ягона мақсадга ва давлат манфаатларига эга бўлиши зарур.
 5. ДХШ иштирокчилари қўйилган мақсадларга эришиш учун ўз ҳаракатларини йўналтириши зарур.
 6. ДХШ иштирокчилари рисклар ва харажатларни қайта тақсимлашлари керак.
- ДХШ механизминини шакллантиришда давлатнинг асосий вазифаларидан бири – бу хусусий сектор билан самарали ўзаро муносабатларни ўрнатишдан иборат бўлиб, хусусий секторга максимал фойда олиш имконини берувчи ДХШдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади.

¹⁰ Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.

¹¹ OECD. Recommendation of the Council on Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships - <https://www.oecd.org/governance/budgeting/PPP-Recommendation.pdf>.

Бизнинг фикримизча, ДХШнинг асосий кўринишлари қуйидагиларга таснифланади (1.2-расм):



1-расм. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий моделлари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Муайян моделни танлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларнинг хусусиятига боғлиқдир.

Шартномавий модель кўпинча жорий харажатларни пасайтиришга йўналтирилган инвестициялар бўйича энергетика тармоғида қўлланилади.

Молиявий лизинг модели давлат томонидан хусусий секторга бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, муҳандислик мажмуаларини ижарага беришни назарда тутди¹².

Йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни реализация қилишда концессия модели алоҳида қизиқиш уйғотади. Турли хил ёндашувларга асосланган бўлсак, концессия модели ДХШнинг қуйидаги сабабларга кўра, ривожланган шакли ҳисобланади: концессион муносабатлар узок муддатли тавсифга эга; тадбиркорлик тузилмаларида концессиялар бошқарув қарорларини қабул қилишда эркинликка эга бўлади; концессионер томонидан шартнома шартлари бузилганда, давлат хусусий секторга муайян даражада таъсир этиш имкониятига эга бўлади.

Концессиядан ташқари, ДХШнинг бошқа шаклларида фойдаланиш мумкин, масалан, давлат бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари кабиларни хусусий секторга ўтказиш орқали ижара муносабатлари шаклланади.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан олдин лойиҳаларни реализация қилиш имкониятларининг (VFM) дастлабки таққослама таҳлили ўтказилади. ДХШ асосидаги лойиҳаларни реализация қилиш ҳуқуқи бўйича танловларни ўтказишнинг хориж тажрибаси бир қанча босқични ўз ичига қамраб олади.

¹² Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер // Мир перемен. - 2004. - № 2. - С. 22.

Биринчи босқичда иштирокчиларни танлаш бўйича дастлабки танлов ўтказилади. Иккинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг техник параметрларини аниқлайди. Учинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг молиявий параметрларини аниқлайди.

Таъкидлаш керакки, ДХШ механизмини қўллашда қурилиш объектларига инвестицион харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришга нисбатан юқори бўлади.

Бундан ташқари, давлат қурилиш объектига хусусий сектор имкониятларини тақдим қила туриб, инвестицион харажатларни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлади ва қурилган объектни сақлаш бўйича харажатларни қисқартиради.

ДХШ лойиҳасининг концессион шакли дунёда энг кўп фойдаланилади ва давлат хизматларининг барча соҳаларида амалда қўлланилади ҳамда концессияга молиявий-иқтисодий беқарор шароитда катта қизиқиш сақланиб қолмоқда. Концессиялар битимлар сони, жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва турли иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бошқа шакллардан устундир.

Концессия – бу шартнома бўйича ҳақ тўлаш ва қайтариш асосида давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат (концедент)дан юридик ёки жисмоний шахс (концессионер)га тақдим қилиш натижасида юзага келадиган муносабатлар тизими ҳамда давлатнинг мутлақ монополияси бўлган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидир.

1-жадвал

Давлат-хусусий шерикликнинг механизмлари таснифи

ДХШ механизми (тури)	Тавсифи
ВТО (build, transfer, operate): қурилиш - узатиш - эксплуатация/ бошқариш; DBTO (design, build, transfer, operate): қурилиш - узатиш - эксплуатация/ бошқариш - лойиҳалаштириш	Хусусий шерик молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни ташкил этиш билан шуғулланади. Механизм объектни қурилиш тугагандан сўнг дарҳол давлатга топширишни ўз ичига олади, кейин у хусусий шерикнинг фойдаланишига ўтади, лекин унга эгалик ҳуқуқини ўтказмасдан. Ушбу турдаги ДХШ бошқарувчи субъект давлат корхонаси (шаҳар унитар корхонаси, бюджет муассасаси, мустақил муассаса ва бошқалар), баъзи имтиёзлар бўлган вазиятга тўлиқ мос келади
ВОТ (build, operate, transfer): қурилиш - фойдаланиш / бошқариш - узатиш	Бу механизм асосан имтиёзларда қўлланилади. Инфратузилма объекти концессионер ва давлат маблағлари ҳисобидан яратилади. Қурилиш тугагандан сўнг, концессионер ўзи инвестиция қилган маблағларни қайтариш учун етарли муддатга қурилган объектни ишлатиш ҳуқуқини олади. Муддати тугагандан кейин объект давлат тасарруфига ўтказилади. Концессионер давлатга тегишли бўлган объектдан фойдаланиш ҳуқуқини олади, лекин унга эгалик қилмайди.
РОТ (rehabilitate, operate, transfer): қайта тиклаш - эксплуатация/бошқариш - узатиш	ВОТ даги каби объектни фойдаланиш шarti билан - одатда концессия остида - реконструкция қилишни ва давлатга топшириш назарда тутилади.
ВООТ (build, own, operate, transfer): қурилиш-эгалик қилиш-эксплуатация / бошқарув-узатиш	Бунда хусусий сектордан шерик шартнома амал қилиш муддати давомида объектдан нафақат фойдаланиш, балки унга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам олади, шундан сўнг у давлат мулкига ўтади. Давлат қурилишни молиялаштиришда иштирок этмаган, лекин аслида лойиҳанинг ташаббускори (буюртмачиси) бўлган концессияларда фойдаланиш мумкин.
ВОЛТ (build, own, lease, transfer): қурилиш – эгалик қилиш – лизинг – узатиш	ВООТ каби, лекин лойиҳадаги улуши сифатида давлат томонидан берилган мулкнинг бир қисми учун лизинг механизмини киритиш билан ифодаланади. У хусусий шерикка ўз фаолиятини кенгайтириш учун ижарага берилган объектни реконструкция қилишни молиялаштиришда давлат иштирок этмаган концессиялар ва ДХШ шартномаларида қўлланилади.

BOO (build, own, operate): қурилиш – эгалик қилиш – эксплуатация / бошқарув	Хусусий шерик объектга эгалик ҳуқуқини олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида объект фаолияти бевосита давлат томонидан тартибга солинади. ДХШ шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, хусусий шерикнинг хусусий мулки бўлган шартнома объектдан у ўз хоҳишига кўра фойдаланади.
BRO (brownfield contract): мақсадли фойдаланиш сақлаб қолган ҳолда реконструкция қилиш шартномаси	Хусусий шерик мавжуд объектни реконструкция қилишда иштирок этади ва реконструкция тугагандан сўнг давлат томонидан белгиланган объектнинг мўлжалланган фаолият мақсадини сақлаб қолган ҳолда уни эгалик ва фойдаланишга қабул қилади. Бундай лойиҳаларда давлатнинг молиявий иштироки минимал бўлиши мумкин.
BOMT (build, operate, maintain, transfer): қурилиш – эксплуатация / бошқарув – хизмат кўрсатиш – узатиш	Хусусий шерикнинг ўзи қурган инфратузилма объектларини сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича мажбурият муддати тугагандан сўнг давлат ихтиёрига ўтказиш масъулиятига эътибор қаратилади.
Lease contract — давлат мулкни лизинг асосида тақдим этиш	Бу механизм давлатнинг “асосий бўлмаган (фаолиятга мос келмайдиган) активлар”дан тозалаш ва объектларни сақлашга давлат харажатларини камайтириш, шунингдек, хусусийлаштиришдан даромад олиш учун қўлланилади. Мавжуд объект реконструкциясиз узоқ муддатли молиявий ижарага (лизингга) хусусий шерикка берилади. Баъзи ҳолларда объектни қуриш/реконструкция қилиш давлат томонидан кейинги лизинг учун молиялаштирилади (лойиҳалар, инновацион инфратузилма).
LDO (lease, develop, transfer): лизинг - ривожлантириш – узатиш	Хусусий шерик мавжуд давлат мулкни ижарага олади. Объектнинг реконструкция қилиш ва ривожлантириш (кенгайтириш) ва унинг фаолият юритишини таъминлайди, муддат охирида у объектни яна давлатга ўтказиши.
DBOOT (design, build, own, operate, transfer): лойиҳалаш – қуриш – эгалик қилиш – эксплуатация / бошқариш – узатиш	Ушбу турдаги шартномаларнинг ўзига хос хусусияти хусусий шерикнинг нафақат инфратузилма объектини қуриш, балки уни лойиҳалаштириш учун ҳам жавобгарлигидир. DBFO (design, build, finance, operate) келишувида: лойиҳалаштириш – қуриш – молиялаштириш - эксплуатация/бошқарув инфратузилма объектларини қурилишини молиялаштириш бўйича хусусий шерик масъулияти белгилаб олинади.
D&B (design and build): лойиҳалаштириш ва қуриш; DBM (design, build, maintain): лойиҳалаштириш, қуриш, хизмат кўрсатиш; turnkey contracts (тўлиқ қурилиш)	Хусусий шерик тўлиқ қурилиши лозим бўлган объектни лойиҳалаштириб, қуради, фойдаланиш учун давлатга топширилади. DBM шартномаларда хусусий шерик қурилган объектларни жорий таъмирлаш учун ҳам жавобгар бўлади, лекин уларни давлат бошқаради.
O&M (operate and maintain): эксплуатация ва бошқарув – хизмат кўрсатиш; S&M (service and management) / Management contract хизмат кўрсатиш/бошқариш	Қурилиш/реконструкция қилиш давлат томонидан амалга ошириляётганда объектни эксплуатация қилиш/таъмирлаш/бошқариш учун жавобгарликни хусусий шерикка (профессионал бошқарув компаниясига) топшириш

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда энг кўп тарқалган концессиялар қуйидаги соҳаларда амалга оширилмоқда: йўллар, кўприклар, туннелларни қуриш; аэропортлар, темир йўл вокзалларини қуриш ва қайта таъмирлаш; темир йўллар алоқа тизимлари, метро, мактаблар ва бошқа жамоат биноларини қуриш, сув таъминоти тизимларини қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш; дренаж, тозалаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш; турли тиббиёт муассасаларини қуриш, қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш.

Хулоса

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз мумкинки, ДХШни лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали шаклларини жорий этиш юзасидан муайян даражада тадқиқотлар

олиб борилишига қарамай, республикамизда давлат-хусусий шериклик ҳозирги кунга қадар макро ва мезо даражада ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг ташкилий ва инвестицион механизмларидан етарли даражада фойдаланилмапти. Таъкидлаш лозимки, давлат нафақат ушбу шаклдаги муносабатларни тартибга солувчи субъект ҳисобланади, балки жамият манфаатлари ва эҳтиёжларини фаол ҳимояловчи ролини бажариши лозим.

Таҳлиллар натижасида давлат-хусусий шериклик механизмларини амалиётда қўллашда қуйидаги асосий хусусиятлар мавжуд бўлиши керак:

- ДХШ субъектлари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли бўлиши керак;
- ДХШ субъектлари ўртасидаги муносабатлар расмий ҳужжатларда (шартномалар ва бошқалар) қайд этилиши керак;
- ДХШ субъектлари умумий мақсадлар билан бирга аниқ белгиланган давлат манфаатларига хизмат қилиши керак;
- ДХШ субъектлари умумий мақсадларга эришиш учун тўлақонли масъулиятли бўлиши керак;
- ДХШ субъектлари даромад ва хавф-хатарларни ўзаро тенг тақсимлаши керак.

Минтақаларда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун катализатор бўлиши мумкин бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланишнинг энг самарали шакллари амалиётда жорий этиш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>
2. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси” 2022 йил 20 декабрь // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
3. OECD. Recommendation of the Council on Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships - <https://www.oecd.org/governance/budgeting/PPP-Recommendation.pdf>
4. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски/ В.Г. Варнавский. – М.: Наука, 2005. - 315 с.
5. Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А. Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Қонуни. – Т.: 2019.
7. Утемуратова Г.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари, моделлари ва механизмлари //Экономика и финансы. – 2021. – №. 10 (146). – С. 2-12.
8. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика. М.: ГУ-ВШЭ, 2010. 228 с.
9. Оськина Н.В. Модернизация экономики и государственно-частное партнерство // Социальное партнерство как фактор развития инфраструктурных отраслей экономики России: Мат-лы междунар. науч. конф., Новосибирск, 15–16 ноября 2013. Новосибирск: Изд-во НГАСУ, 2013. С. 90–98.
10. Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С.
11. OECD. Recommendation of the Council on Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships - <https://www.oecd.org/governance/budgeting/PPP-Recommendation.pdf>.
12. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.